

Қишлоқ хўжалиги

2015 йил январь-июнь ойларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш амалдаги нархларда 1677,3 млрд. сўмни ташкил этди ва ўтган йилга нисбатан 106,6 фоизга ўсди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажмида деҳқончилик маҳсулотлари 899,1 млрд. сўмни (ўтган йилга нисбатан 106,7 фоизга кўп), чорвачилик маҳсулотлари 778,2 млрд. сўмни (ўтган йилга нисбатан 106,4 фоизга кўп) ташкил этди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кичик тадбиркорлик субъектлари улуши 98,4 фоизни ташкил этди, жумладан деҳқон хўжаликларининг улуши 80,7 фоизни ташкил этмоқда.

Деҳқончилик. Дастлабки маълумотларга кўра, барча тоифадаги хўжаликларда жорий йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 240,3 минг гектарни ташкил қилди.

Бошоқли дон экинлари билан банд бўлган экин майдони 91,7 минг гектар, пахта экин майдони 110,3 минг гектар, картошка 4,0 минг гектар, сабзавот экинлари 8,7 минг гектар майдонни ташкил қилди.

Ҳосил йиғими. 2015 йил 1 июль ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 502,4 минг тонна бошоқли дон, шундан 501,2 минг тонна буғдой ишлаб чиқарилди.

Барча тоифадаги хўжаликларда 145,6 минг тонна картошка қазиб олинди, (2014 йилга нисбатан 6,4 фоизга кўп), 180,5 минг тонна сабзавот (12,0 фоизга кўп) йиғиб олинди, 11,2 минг тонна полиз экинлари (8,1 фоизга кўп) 125,0 минг тонна мева ва резаворлар (8,6 фоизга кўп) етиштирилди.

Чорвачилик. 2015 йилнинг 1 июль ҳолатига барча тоифадаги хўжаликлар томонидан йирик шохли қорамоллар 1077,7 минг бошни, (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,8 фоизга кўп), шу жумладан сигирлар 382,3 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 0,3 фоизга кўп), қўй ва эчкилар 1888,5 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,2 фоизга кўп), паррандалар 3590,1 минг бошни (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 24,8 фоизга кўп) ташкил этди.

2015 йил 1 июль ҳолатига барча тоифадаги хўжаликларда 95619 тонна тирик вазнда гўшт (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 6,4 фоизга кўп), 347530 тонна сут 6,8 фоизга кўп), 188549 минг дона тухум (19,2 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан, деҳқон хўжаликлари ҳисобидан амалга оширилиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 96,8 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 95,1 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 60,5 фоизни ташкил қилди.


Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби куйидагича ифодаланади:
ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида

Гўшт
(тирик вазнда)

Сут

Тухум

100%
90%
80%
70%
60%
50%
40%
30%
20%
10%
0%



- Қишлоқ хўжалиги корхоналари
- Фермер хўжаликлари
- Деҳқон хўжаликлари